
Туманимиз спортчилари Taekwondo WT тури бўйича "Бошқарма бошлиғи кубоги" мусобақасида 4 та олтин медални қўлга киритишди
Жорий йилнинг 4-5 август кунлари Фарғона шаҳридаги "САМО" спорт мажмуасида спортнинг Taekwondo WT тури бўйича Ёшлар сиёсати ва спорт бошқармаси бошлиғи кубоги мусобақасида Фурқат тумани Спорт мактаби Taekwondo бўлими ва Турон одоб-илм мактабининг "Турон" жамоаси ҳам муносиб қатнашиб, 4 та олтин, 2 та кумуш, 6 та бронза медалларини қўлга киритди.

Фурқат тумани ҳокимлиги ушбу спортчиларни эришган муваффақиятлари билан самимий қутлаб, кейинги мусобақаларда ҳам совриндорлар қаторида бўлишларини тилаб қолади.

2023-08-08 19:58:06